# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
**1 сентябрь**
СЕШАНБА
**№ 70** (12810)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган


# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун мана шу гўзал ва муҳташам майдонда сиз, азиз юртдошларимиз билан кўришиш, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни биз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклаш – мен учун катта бахт, катта шарафдир.

Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.

Айнан мустақиллик топталган қадриятларимизни, дину диёнатимизни, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажагимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қолажак.

Айнан мустақиллик шарофати билан мард ва матонатли халқимиз тарихан қисқа даврда амалга оширган оламшумул ишлар туфайли шаҳар ва қишлоқларимизнинг, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётгани, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалаётгани, бугун Ўзбекистонимиз замонавий давлатлар қаторига кираётгани – ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, мустақилликка эришмасдан туриб, бундай марраларга етиш мумкинмиди?

Бунга жавоб битта – йўқ ва асло йўқ.

Бу фикрнинг яққол тасдиғини аввало босиб ўтган йўлимиз ва мамлакатимиз қўйган қадамларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўзбекистонимиз иқтисодиёти, жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган инқирозга қарамасдан, истиқлол йилларида 5,5 каррадан зиёд ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Мамлакатимиз ер юзидаги энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида бугун бешинчи ўринни эгаллагани ва сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганининг ўзи барчанинг ҳаваси ва ҳайратини уйғотиши табиийдир.

Бугунги кунда дунёдаги энг нуфузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказларнинг охирги маълумоти бўйича, Ўзбекистон "Бутунжаҳон бахт индекси"да 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди ва янги уфқларни забт этишга ундайди.

Биз қўлга киритган ўсиш суръатлари, эришган марралар ва уларга олиб келган сабаблар ҳақида албатта кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу ҳақда сўз юритганда, бундай улкан ютуқларимизнинг энг муҳим омили ва мезони борки, у ҳам бўлса, замон ўзгариши билан халқимиз, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти ва бурчи юксалиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб эски тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётга янгича қарайдиган, буюк ишларга қодир куч сифатида ёш авлодимизни тарбиялашга қаратилган мутлақо янги тизимни яратдик.

Юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар – камида икки-учта касбҳунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга кирмоқда. Бизнинг энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ана шундай ёшларга, ана шундай беқиёс салоҳиятга эга бўлган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб, енгиб бўлмайди. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Ҳеч кимга сир эмас – биз юртимизда ўзимизга хос, ўзимизга мос ҳаёт қуришда шошма-шошарлик, калтабинлик ҳолатларига, пала-партиш ишларга асло йўл қўймадик. Бошқаларга ўхшаб, маррани ким тезроқ эгаллайди, деган мусобақаларга қўшилмадик, ўзгалардан нусха олмадик, узоқни кўзламайдиган "маслаҳатчи"лардан йироқ бўлдик. Энг муҳими, ўз тақдиримизга, келажагимизга енгил-елпи қараб, таклиф этилаётган кредитларга учиб, қарзга ботганимиз йўқ.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳақиқатан ҳам "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган принципга амал қилиб, мақсадимизга эришиш учун босқичма-босқич, эволюцион – тадрижий тараққиёт йўлини маҳкам ушладик.

**Чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида "ўзбек модели" деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихимизда ўчмас из қолдириши муқаррар.**

Азиз юртдошлар!

Биз олдимизга қўйган олий мақсад, яъни, тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрўэътиборга сазовор бўлиш йўлидаги эзгу ният ва орзу-интилишларимиз барчамизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, ҳаммамизга аёнки, биз яшаётган XXI аср, тез суръатлар билан ривож топаётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал меҳнат ва Интернет ҳаётимизга чуқур кириб бораётгани, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси, кескинлиги ва бешафқатлиги тобора ортиб бораётгани бугунги кунда ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдига ўта муҳим ва долзарб талабларни қўймоқда.

Бугун кимки, қайси давлат ана шундай ўткир талабларга итоат қилиб, уларга ҳамоҳанг бўлиб яшамаса, ҳеч шубҳасиз, бундай давлат жаҳон тараққиётининг чеккасида қолиб кетиши муқаррар. Ўзбекистонимизда ҳам бунга йўл қўйишга бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Чунки биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз, иншооллоҳ.

Шу борада бизнинг асосий вазифамиз – мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимиз ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан **иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, жаҳон бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.**

Бугунги кунда **иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш, саноатимизни диверсификация қилиш,** юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш бизнинг энг устувор, энг долзарб вазифамиз бўлиши даркор.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида **бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини асосланган даражага қадар қисқартиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.**

Азиз дўстлар!

Ҳозирги кунда яқин ва узоқ атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар, тўқнашув ва қон тўкишлар, низо ва адоватлар кучайиб бораётганини, мухтасар айтганда, вазият ғоят қалтис бўлиб, тобора мураккаб ва кескин тус олаётганини кўрмаслигимиз мумкин эмас.

Бундай ўта таҳликали вазиятда бизнинг олиб бораётган сиёсатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро қонун ва нормаларда муҳрлаб қўйилган асосий принципларга риоя қилиш, **юзага келадиган қарама-қаршилик ва низоларни зўравонлик билан эмас, фақатгина тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этишни, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш ва қон тўкиш ҳолатларини сўзсиз тўхтатишни назарда тутади.**

Яна ва яна бир бор айтиб ўтишни зарур деб биламан: **Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди.** Ўзбекистон давлатининг қонуни даражасига кўтарилган бу тамойилларни, айни шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

**Илгари ҳам айтганман – бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу – ўзбек халқининг истаги, бу – ўзбек халқининг мақсади, бу – ўзбек халқининг қароридир.**

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан аввало огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, тинч ва осуда ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимизни ҳимоялаш учун курашишимизни талаб қилади.

Шу мақсадда биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тил топишиб, ўзаро дўстона муносабатларни, минтақамизда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яқиндан ёрдам ва кўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайрихоҳ бўлиб келаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини, барча чет эллик меҳмонларимизни самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Азизларим, қадрли юртдошларим!

Бир ҳақиқат ҳеч қачон хаёлимиздан кўтарилмаслигини истардим. Биз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, **бунинг негизида аввало тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачиғидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам иродаси мужассамдир.**

Бугун шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларнинг номингиздан, шахсан ўз номимдан меҳнаткаш ва бағрикенг, олижаноб халқимизга таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Оилаларимизни, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган, дунёдаги энг гўзал, мунис аёлларимиз, опа-сингилларимизга бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман.

Мана шу муаззам майдонда жам бўлган сиз ёшларга, сизлар орқали юртимизнинг барча ўғил-қизларига, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг самимий меҳрим ва чуқур ишончимни яна бир бор билдирмоқчиман.

Ишонаман, барча-барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллайсиз.

**Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун – келажак сизники!**

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шу ҳаяжонли, унутилмас дамларда сизларни Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, қалбимда, юрагимда бўлган энг гўзал, самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2015 йил 2-3 сентябрь кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади ва Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимларда иштирок этади.



## ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН ХАЛҚ

**Истиқлол – аждодларимизнинг асрий орзусини рўёбга чиқаргани, халқимизнинг қаддини тиклагани, қадрини юксалтиргани билан мўътабар, фарзандларимиз келажагига мустаҳкам замин яратаётгани билан азиз ва мукаррамдир. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантаналаридан масрур юртдошларимиз, вилоятимиз аҳолиси тилида, дилида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" сўзлари қалб изҳори сифатида баралла янграмоқда. Шаҳару туман марказларидан тортиб, энг чекка қишлоқларда ҳам истиқлол байрами шоду хуррамликда, зўр кайфият ва муносиб туҳфалар билан қарши олинмоқда.**

Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган вилоятимизнинг асосий байрам тантаналари Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" ўйингоҳида бўлиб ўтди.

Байрамона безатилган ўйингоҳ гуллар тароватии, чироқлар шуъласидан янада гўзаллашган. Рангин байроқчалар майин сабо эпкинида оҳиста тебранади. Майдон атрофига ўрнатилган йирик мониторларда

(Давоми 2-бетда).

**Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида халқ фаровонлиги, юрт ободлиги, оилалар мустаҳкамлиги, инсон қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланиб бораётгани туфайли Ўзбекистон халқини тинчликсевар, бунёдкор халқ сифатида дунё тан олди. Бу эса ҳар биримизда ғурур ва ифтихор уйғотиш билан бирга, шу ислоҳотлар самарасига нисбатан масъулият ҳам юклайди.**

## КЕЛАЖАККА ИШОНЧ – ЁРУҒ КУНЛАРГА ЕТКАЗДИ

Тарихан қисқа даврда миллий давлатчиликнинг қайта тикланиши, халқимиз манфаатларини кўзлаб амалга оширилган янгиланиш ва ўзгаришлар натижасида иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатлари таъминлангани, аҳолининг турмуш даражаси юксалиб бораётгани, мамлакат қиёфаси тобора ўзгариб, чирой очаётгани, ёш давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётгани чиндан ҳам фахрланса ва ғурурланса арзийдиган, ифтихор билан эътироф этиладиган ютуқлардир. Келажаги буюк давлат халқининг матонати, фидокорона меҳнати, энг оғир дамларда ҳам сабр-бардош билан ишончни сўндирмай ҳаракат қилгани бугунги ёруғ кунларга етказди.

(Давоми 2-бетда).

## ҲАР КЎНГИЛДА ҒУРУР ВА ШУКРОНА

**Бугун юртимиз чинакам байрам оғушида. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз бу йил "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" эзгу ғоясини ўзида мужассам этгани қалбларимизни севинч ва фахру ифтихорга тўлдирмоқда. Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, ҳаёти нурга, турмуши файзга тўлиб, бир-бирига меҳр ила боқаётган, қалби эзгуликка лиммо-лим кишиларнинг қувончига шерик бўласиз. Бугун оддий одамлар суҳбатига қулоқ тутсангиз, Истиқлол неъмати нафақат ҳаётлари, балки онг ва тафаккурларида қандай юксалишлар ясаганига гувоҳ бўласиз.**

### Умр ҳикмати ва саодати

Оҳангарон туманилик Анорбой бобо Бердалиев табаррук 103 ёшни қарши олгунча, ҳаётда нималарни кўрмаган, дейсиз. Куни кеча Президентимиз Фармонига кўра "Шуҳрат" медали билан тақдирланган отахоннинг хонадонидан одам аримайди. Биз ҳам қутлагани бордик.

(Давоми 2-бетда).

## ЯНГИ ЙЎЛЛАР – УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР

**Аввал хабар қилганимиздек, "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги кенг тантана қилинаётган шу кунларда вилоятимизда кўплаб янгидан қурилган аҳоли турар жойлари, саноат корхоналари, таълим муассасалари, спорт мажмуалари, савдо марказлари ва йўллар фойдаланишга топширилмоқда. Куни кеча "Янги Тошкент айланма йўли"нинг фойдаланишга топширилиши ҳам, шубҳасиз, энг улуғ, энг азиз байрамимизга муносиб туҳфа бўлди.**



(Давоми 2-бетда).

# ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН ХАЛҚ

вилоятимизнинг батакрор ва хушманзара табиати, қадимий ёдгорликлари, иқтисодий салоҳиятини акс эттирган видеолавҳалар.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Президентимиз Фармонига кўра Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган турли соҳа вакиллари, фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандлар, истеъдодли ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ташриф буюрган.

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар чорлов мусиқаси тингач, вилоятимиз ҳокими Аҳмаджон Усмановни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Вилоятимиз ҳокими Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги билан барчани муборакбод этди.

– Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, Тошкент вилояти кўпгина соҳаларда, хусусан мавжуд ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма шароитлари жиҳатидан юқори салоҳиятга эга, – деди ҳоким. – Шу нуқтаи назардан, бугун қайси соҳага қараманг, қайси йўналишни таҳлил қилманг, барчасида юксак ўсиш суръатларининг гувоҳи бўласиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоятимиз том маънодаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш майдонига айланиб бормоқда. Истиқлол байрами арафасида вилоятимизда 271 та катта-



кичик саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари ишга туширилди.

Кутлуғ сана арафасида Ангрен махсус индустриал зонасига Хитой Халқ Республикасининг "ПОЛИ ГРУП" корпорацияси Президенти Чжан Чжэньчао ташриф буюрди. Ушбу корпорация билан ҳамкорликда собиқ резинотехника заводи негизида қиймати 314 миллион долларга тенг "Конвейер тасмалари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари ва автомобиллар учун шиналар ишлаб чиқариш заводи"ни қуриш ишлари бошланди.

Янги заводни ишга тушириш натижасида мингдан зиёд иш ўринлари яратилиб, йилига 100 минг квадрат метр конвейер тасмалари, 3 миллион дона автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун шиналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Уларнинг 50 фоиздан ортиғини экспортга йўналтириш кўзда тутилган.

Болажон халқмиз. Ҳар қандай орзу-умидларимиз рўёбини фарзандларимиз келажаги тимсолида кўрамиз. Шу маънода, ўтган даврда вилоятимизда кўплаб бир-биридан муҳташам таълим, спорт ва санъат даргоҳлари, тураржойлар, маданий-маиший бинолар барпо этилиб, кенг ва равон йўллар фойдаланишга топширилди. Айниқса, замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, биргина шу йилнинг ўзида 176 миллиард 100 миллион сўмлик капитал маблағларнинг ўзлаштирилиши эвазига 57 та коллеж, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, 15 та соғлиқни сақлаш, 19 та болалар спорти объектлари ва 109 та бошқа соҳаларга тегишли объектлар янгидан қурилди, капитал ва жорий таъмирланди.

Бир сўз билан айтганда, вилоятимизда фойдаланишга топширилаётган янгидан янги бино ва иншоотлар шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркига кўрк қўшмоқда.

... Ранго-ранг гуллар билан безалган амфитеатр саҳнасида болажонларнинг мусиқий чиқишлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўйингоҳ узра таралаётган куй ва алёрларда мустақиллик, тинч ва осойишта ҳаёт улуғланди, эркин ва обод Ватанга фарзандлик меҳри, шукроналик ва миннатдорлик туйғуси билан йўғрилган севги, садоқат ва дўстликни мадҳ этувчи қўшиқлар жозибали рақсларга уланди.

Самода ранг-баранг мушаклар жило сочди. Ёғдуларга боқиб, қалбларимизда ҳаяжон жўшиб, эзгу ниятлар тилга кўчди:

– Истиқлолимиз абадий, юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантаналар вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида, давлат ва жамоат ташкилотларида, қўйингки, барча ҳудудларда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида кенг нишонланмоқда.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон FОФУРОВ, Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# КЕЛАЖАККА ИШОНЧ – ЁРУҒ КУНЛАРГА ЕТКАЗДИ

Бугун тақдиримиз ўз қўлимизда, янги демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидамиз. Бу йўлда бизга ҳеч ким, ҳеч қандай куч тўсиқ бўла олмайди. Халқимиз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод ҳаёт қуришнинг асл ўзбекона йўлини танлаб, ундан оғишмайдиган ва адашмайдиган фуқаролик позициясини белгилаб олди. Эртанги кунга қатъий ишонч тинч ва осуда ҳаёт қадрига етишни, тарихий хотирани ёдда тутишни ўргатади.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 24 йиллигига бу йил ўзгача тайёргарлик кўрилмоқда. Ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти, билим ва тафаккури изчил юксалиб бораётгани истиқлолнинг илк давридаги "Ўзбекистон келажаги буюк давлат" ибораси шунчаки шиор бўлмай, амалда рўёбга чиқаётганидан далолатдир. Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида таъкидланганидек, халқимиз ўз олдига қўйган буюк марралар ва мақсадларни амалга ошириш йўлида 24 йилда эришган, бутун жаҳон тан олаётган, бизга ҳавас билан қараётган энг олий ютуқ демократик ҳуқуқий давлат, ривожланган фуқаролик жамиятига асос солинганидир. Тубдан янгиланган иқтисодиётимиз йилдан йилга ривожланиб, собиқ иттифоқ таркибидаги мамлакатлар ўртасида энг юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришаётир.

Яқин ўтмишда ижтимоий соҳаларга жуда кам маблағ ажратилгани, бунинг оқибатида 1700 та мактабнинг моддий-техник базаси эскириб, вайрона ҳолга келиб қолган бўлса, бугун эса аҳолини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий соҳага давлат бюджетининг 60 фоиздан ортиқроғи йўналтирилаётгани, деярли барча мактаблар қайта реконструкция қилиниб, янгидан жиҳозланиб, таълим тизимида илгари умуман бўлмаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жорий этилгани боис, замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган ёшлар тарбияланаётир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро тотувликнинг қадрига етишимиз, доимо огоҳ бўлишимиз керак. Президентимиз Қарорида таъкидланганидек, авлодларга истиқлол туфайли эришган юксак марраларни, озод ва обод ўлканинг муқаддаслиги, бетакрорлиги ва Ватаннинг ягоналигини уқтириб боришимиз лозим.

**Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЯНГИ ЙЎЛЛАР – УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР

Таъкидлаш жоизки, "Тошкент ҳалқа йўли"нинг 63-километридан "Бектемир – Fазалкент – Чорвоқ" автомобиль йўлини туташтирувчи ушбу йўлнинг қурилиши аҳоли, айниқса, ҳайдовчилар учун қатор қулайликлар яратмоқда. Хусусан, мазкур йўлнинг ишга туширилиши пойтахт ҳавоси мусаффолиги таъминлаш, шаҳар кўчаларидаги тирбандликнинг олдини олиш ҳамда йўл бўйлаб янги шаҳарсозлик инфратузилмасини яратиш ва саноатни ривожлантиришга замин яратади. Шунингдек, водий билан республикамизнинг бошқа вилоятларини шаҳар ташқарисида туташтирувчи кўприк сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умумий қиймати 188 миллиард 200 миллион сўм бўлган мазкур лойиҳани "Ўзавтойўл" ДАК таркибидаги Тошкент кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш корхонаси амалга оширди. Республика йўл жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилган 21,9 километр узунликдаги йўл асфальт-бетон қоришмаси билан қопланиб, 26 метр кенгликда, ҳар бир томони уч полосали қилиб бунёд этилди. Шунингдек, 200 га яқин сув ўтказиш иншоотлари, "Чирчиқ" дарёси устидан ўтувчи кўприк, битта темир йўл устидан ўтган йўл ўтказгич ҳамда тўртта кичик кўприклар ҳам мазкур лойиҳадан ўрин эгаллади. Тошкент шаҳридан бошланиб, Янгийўл, Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларини боғлаган ҳолда Фарғона водийсига йўналтирилган ушбу йўл бўйлаб намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржой массивлари барпо этилмоқда.

**Аваз ИСРОИЛОВ.**
**Қобилжон FОФУРОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



# ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ

**Янги ўқув йилини шинам ва ёруғ бинода бошлашнинг завқи бўлакча. Бекобод туманидаги мактабларнинг 3 таси тубдан қайта таъмирлангани байрамга муносиб совға бўлди.**

"Истиқбол" хусусий корхонаси, "Меҳринисо Ишонч" ва "Ишонч қурилиш сервис Плюс" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари меҳнати билан бугун 1-, 20-, 55-мактаблар биринчи қўнғироққа тахт қилиб қўйилди.

Хусусан, 2015 йил инвестиция дастурига киритилган 55-мактабнинг эски биноси бузилиб, "Ишонч қурилиш сервис Плюс" МЧЖ қайта қурди.

– Мактабимиз 320 ўқувчига мўлжалланган, – дейди директор Алишер Султонов. – Бу йил 1-синфга қабул қилинадиган 26 ўқувчи мустақиллик дарсларини янги хоналарда ўтишади.

"Истиқбол" хусусий корхонаси қурган 1-умумий ўрта таълим мактаби 540 ўринли бўлиб, 2 сменада 1186 ўқувчи таҳсил олади. 20 та ўқув хонаси ўқувчиларга мунтазир.

– Ўқув хоналари янги жиҳозлар билан таъминланди, – дейди директор Умида Ўсарова. – Яратилаётган бундай шароитлар дарс сифатини оширибгина қолмай, ўқув жараёнига қизиқишни ҳам кучайтиради.

2015-2016 ўқув йилида туманда 1-синфга қадам қўядиган 3117 та ўғил-қизни Президент совғалари кутмоқда. Барча мактабларда 2 сентябрда ўтказиладиган "Билимлар куни" ва мустақиллик дарсларига пухта тайёргарлик кўрилди.

**Нозима АРСЛОНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ОБОД ЮРТНИНГ МОМОСИ

**Юқори Чирчиқ тумани, Тинчлик қишлоғи, "Балиқчи" маҳалласида кўпни кўрган, ҳалол меҳнати билан эл эътиборини қозонган табаррук момо истиқомат қилади. Бу йил момо 105 ёшини қарши олди. Раила момонинг шўх-шодон ёшлик чоғлари оғир йилларга тўғри келган.**

– Болам, биз кўрган қора кунларни ҳеч кимга раво кўрмайман, – дейди момо лаблари титраб. – Николай пошшо замони, ўттизинчи йиллар қатағони, Иккинчи жаҳон уруши қирғинбароти, кейин "пахта иши"...

Раила ёлғиз фарзанд бўлиб, ота-онаси вафот этганида бор-йўғи ўн ёшда эди. Ўша машъум ўттизинчи йилларни эсласа, юрак-бағри эзилади. Маккажўхори уни, арпа-буғдой кепакли, зоғора нон еганлари, қирлардан илдиз териб келиб, қайнатиб ичганлари...

Бечора қиз яхши одамлар кўмагида хат-саводини эски мактабда чиқарди. Вояга етгач, Ташибой исмли йигит билан турмуш қуриб, 5 ўғил, 5 қиз кўришди. Лекин турмуш ўртоғи эрта вафот этиб, кейин бир йўла 4 фарзандини ҳам ерга берган онанинг аҳволини бир кўз олдингизга келтиринг. Тутдек тўкилган аёлнинг сочлари барвақт оқарди. Жуссаси муштдек бўлди қолди. Фарзандларидан Серикбой, Омонбой, Омонкелди, Рискелди, Абиба, Карималарни ўша очарчилик, қаҳатчилик даврларидан не-не азоблар билан асраб олиб ўтди. Кейин Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Қишлоқда аёллар, кексалар ва ёш болалардан бошқа ҳеч ким қолмади. Фронтда қон кечиб, жанг қилаётганлар учун кунни тунга улаб ишлашди, ғалаба умидида фронт орқасида меҳнат қилишди. Оғир ишлар қўл кучи билан бажариларди. Ниҳоят, уруш тугади, одамларнинг бағрига шамол тегди.

– Йиллар ўтиб, юртимизда истиқлол шабадаси эса бошлади, – дейди момо. – Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан биз орзу қилган тинч-осойишта замон келди. Менга юртимиз истиқлолини 81 ёшимда кутиб олиш насиб этди. Ўшанда ёш боладек роса қувонгандим.

Ҳозир момо юртимизда бўлаётган катта ўзгаришлар, бунёдкорликларни қалби ва юраги билан ҳис қилиб яшаяпти. Ҳамиша ёшларга: "Тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етинглар, бундай дориламон замон ҳеч қачон бўлмаган" дея насиҳат қилишдан чарчамайди.

Ҳалол меҳнат қилган одам кам бўлмайди, қилган ишларига яраша халқ ва эл-юрт орасида ҳурмат қозонади. Раила момони бугунги кунда қишлоқдаги етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма яхши танийди ва ҳурмат қилади. Обод юртнинг момоси яшайдиган уйга қачон борманг: "Момо бизни ҳам дуо қилинг, биз ҳам сизнинг ёшингизга етиб юрайлик" дегувчиларнинг қадами узилмайди.

Раила момо Есимова давлатимиз раҳбари фармонига асосан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. 105 ёшли момо ўғли Рискелди ва келини Гулзира ҳамда 60 дан зиёд невара, чевара, эвараларии ардоғида қарилик гаштини суриб, бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Биз ҳам момо хонадонидан илиқ таассуротлар билан қайтарканмиз, унинг дуоси қулоқларимиз остида такрор жаранглаётгандек туюлди.

– Биз каби нуронийларни қадрлаб, 2015 йилни "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номлаган Юртбошимиз доимо омон бўлсинлар. Гўзал ва жаннатмакон юртимизга ҳеч қачон кўз тегмасин.

**Латифжон МАНСУРОВ.**



Огоҳлик

# ТИНЧЛИК – ОЛИЙ НЕЪМАТ

**Миллат бор экан, миллий ғурур, миллий ифтихор тушунчалари ҳам барҳаётдир. Юртини севган одам албатта, атрофидаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ ва лоқайд бўлмайди.**

Тинчлик – олий неъмат. Атрофга бир қаранг, дунёда нималар бўлмаяпти. Шундай таҳликали замонда минг шукрки, юртимизнинг ҳар бир куни шодиёна, тўю-томошаларга уланаяпти.

Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат билан хизмат қилиш, оилага, маҳаллага, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, соғлом фикр ва дунёқараш билан яшаш доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этади.

"Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқатли бўлмаган, уларга ишонмаган одам қўрқинчлидир. Икки мамлакатнинг ўртасидаги низони ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беришади..." Президентимизнинг мазкур фикрлари замирида теран маъно мужассамдир.

Афсуски, ҳозирги замонда диний экстремизм ва фундаментализм хуружи инсониятга катта хавф туғдирмоқда. Бу кескин вазият жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши муқаррар. Демак, огоҳлик давр талабидир.

Шу мавзуда таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда учрашув ва тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, вилоят педагогика коллежидаги учрашувда барча ўқувчи ва ўқитувчилар иштирок этишди. Мавзуга доир видеолавҳалар намойиш этилди.

**Ўриной ҚУРБОНОВА,**
**вилоят педагогика коллежи мусиқа кафедраси ўқитувчиси.**

# ҲАР КЎНГИЛДА ҒУРУР ВА ШУКРОНА

– Э, нимасини айтай, бизлар олтмишимизда қариб, юзга чиққанда ёшариб юрибмиз-да. Бу гапда тарикча муболаға йўқ. Эҳ-ҳе, халқимиз не-не мусибатларни кўрмади. Бошига не кунлар, қандай оғир савдолар тушмасин, сабр-тоқат, имон-эътиқодда собит турган, бутун оламга фақат эзгулик, меҳр-мурувват улашиб келган халқимизга аталган яхши кунлар мана, бу ёқда экан, қаранг. Қандай обод юртда яшаяпмиз. Кўз ўнгимизда юз бераётган ўзгаришларни ким, қачон кўрибди? Юртимиздаги фаровонликни, дастурхонларимизнинг файзини айтинг. Шаҳару қишлоқларимиздаги қурилишлар ҳақида телевизорда кўриб, очиғи, одамнинг ваҳми келади. Тавба, дейман, шунча ишларга қачон улгурақолдик, а? Невараларим, барака топишсин, тез-тез пойтахт зиёратига олиб боришади. Шу ўзимизни Тошканми, десам кулишади.

Бобонинг набираларидан бири орага гап ташлайди: "Сизга ёлғон, бизга чин – кунига бир ярим километр пиёда юрадилар..."

Анорбой бобо бамайлихотир давом этади:

– Шундай кунларни кўрсатганига шукр. Меҳр-оқибатли халқимизнинг, бағрикенг, ғамхўр Президентимизнинг иззат-эътиборидамиз. Куни кеча вилоятимиз ҳокими хонадонимизга келиб, Президентимиз мукофотини топширди. Мен бу нишонни ўзимча, "тинчлик тумори" дегим келди. Ростда, юртда тинчлик, ҳаётимизда осудалик бўлмаганида, бундай байрамлару иззат-икромлар қаёкда эди. Шундай экан, бу неъматларнинг қадрига етайлик, шукрона айтайлик. Юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликка кўз тегмасин, деб дуо қилайлик. Бир аср яшаб, ҳаётдан топган ҳикматим шу бўлдики, шукроналик – умр зийнати экан. Сабру қаноатли одамнинг ўзи ҳам, кўзи ҳам, кўнгли ҳам тўқ бўлади. Хонадонидан файз-барака аримайди. Бугунги саодатли кунлардан баҳра олиб, эртанинг бунданда ёруғ бўлишидан умидвор яшаган одамнинг умри узоқ, ризқи бутун бўлади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Бекободда меҳмон бўлинг

Навбатдаги суҳбатдошимиз – Бекобод шаҳридаги "Мустақиллик" маҳалласи раиси Юсуфжон Худойбердиев. Кўпни кўрган оқсоқол бугунги дориламон кунларда маҳалласи, жонажон шаҳри хусусида оғиз тўлдириб ҳикоя қилди:

– Бекобод юртимизнинг энг чекка шаҳарларидан. Лекин бу фақат географик нуқтаи назардан. Чунки, Мустақиллик Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси қатори Сайхун соҳилидаги мафтункор шаҳримизга ҳам ободлик, файз-тароват бахш этди. Бунёдкорлик ишларимиздан бир мақтангим келиб, вилоятдош қадрдонларимни меҳмонга чорладим. Уларга аввал шаҳримиз марказини, ноёб архитектураси ва истиқболи ҳақида гапириб бердим. Кўкаламзор майдонлар, бири бири билан ҳусн талашадиган ижтимоий объектларга, яшил боғ ва хиёбонларимизга мафтун бўлишди. Сал нарироқдаги янги "Металлург" ўйингоҳи, "Ёшлик" спорт-соғломлаштириш маркази, муҳташам сув спорти ҳавзаси, истироҳат боғи, шунингдек, маҳалламиздаги обод хонадонлару, кўплаб муҳташам тўйхона, савдо ва маиший хизмат объектлари, тадбиркорлик субъектлари бинолари манаман деб турибди... Ҳазилакам гапми, ўтган қисқа вақт ичида кўрса кўргудек, кўзга суртгудек қанчадан қанча иморатлар қурилди, ахир!

Яна ўйлаб қоламан. Илгари биносозликда бекободликларнинг бировга кўрсатадиган нимаси бор эди? Бугун-чи? Шаҳримизнинг жамоли кундан кун очилиб, тўлишиб бораяпти. Энди етти иқлимдан келган меҳмонлар шаҳримизнинг кўрку тароватига қойил қолмаса, мана, биз кафил!

## Қувонч ва бахт ёнма-ён

Ангренлик Жаҳонгир Азизов ҳаётида бахту қувонч ҳамиша ёнма-ён. Таэквондонинг ITF йўналиши бўйича мамлакат чемпиони. Яна кончилар шаҳрида қуриб битказилган хонадонлардан бири ҳам унинг ёш оиласига насиб этди. Бахтиёр оила уйига кўчиб ўтган куннинг эртасига янги меҳмон – қизалоқ дунёга келганига нима дейсиз!

Айнан мустақиллик йилларида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уй-жой шароитларини янада яхшилаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президентимизнинг бир қатор қарор ва фармонлари, кўламли давлат дастурлари ижроси доирасида Ангрен шаҳрида бир йилда 85 хонадонли иккита кўп қаватли "Камолот" уйлари қурилиб, ёш оилаларга топширилди. Замонавий, шарт-шароитлари қулай бу тураржойларнинг тўлови 20 йил давомида имтиёзли кредит асосида қопланади.

## Баркамол авлод шижоати

Ўрта Чирчиқ туманидаги 12-Болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилганига ярим асрдан ошди. Бироқ, шунча йилдан буён не-не истеъдодларга гувоҳ бўлган бу масканнинг довруғи ҳеч қачон Тўйтепадан нарига ўтган эмас. Мустақиллик берган имкониятлар туфайли бугун мактаб ўқувчиларига, улар эришаётган ютуқларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Давлатимиз раҳбарининг "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида капитал таъмирдан чиқарилгач, бутунлай янги қиёфа касб этиб, замонавий жиҳоз, нодир қўлланма, миллий ва жаҳон мусиқа асбоблари билан таъминланди. Бу мақсадларга давлат ҳисобидан 1 миллиард 150 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Айни пайтда бу ерда 250 дан ортиқ ўқувчи 8 йўналишда таҳсил олаяпти. Улар орасида истеъдоди мамлакат ва ҳатто жаҳон миқёсида эътироф этилаётган умидли ёшлар кўп. Россияда ўтказилган халқаро танловда тўйтепалик ёшлар "Намунали халқ чолғу асбоблари ансамбли" номинацияси бўйича олий мукофот – Гран прини қўлга киритдилар. Ўшанда рубобчилар дастасига фортепьянода жўрнавозлик қилган мактаб директори Валерия Мардиева яна бир соврин – "Энг яхши концертмейстер" номинациясига сазовор бўлди.

Бундан ташқари, фортепьяно сир-синоатларини қунт билан ўрганаётган Мумтозбегим Исроилова, қашқар рубобидан сабоқ олаётган Мардон Зикиряев, Шоҳрух Жўрабоев, Достон Қувашев, Убайдулла Эгамбердиев, Дилшод Муҳаммедов каби истеъдод эгалари Париж, Санкт-Петербург шаҳарларида бўлиб ўтган нуфузли мусиқа фестивалларида ғолиб бўлишди.

Мактаб ўқувчиларидан бири Шоҳрух Жўрабоев суҳбат пайтида бир воқеани тилга олди. Гап шундаки, Францияда бўлиб ўтган "Париж юлдузлари" халқаро танловида тўйтепалик рубобчилар учлигининг завқи жўшиб, белгиланган регламентдан чиқиб кетишибди. Дастурга кўра улар Йоган Брамснинг "Венгерча рақс" концертини ижро этишлари керак экан. Классик бастакорнинг кўпчиликка яхши таниш бўлган мусиқий асарини ижро эта туриб... кутилмаганда "Андижон полкаси"ни улаб юборишибди.

– Энди буёғи нима бўларкин, деб залга разм солдим, – деб эслайди Шоҳруҳ. – Не кўз билан кўрайки, санъат саройини тўлдириб ўтирган мусиқа шинавандалари, ҳатто, Италия, Россия, Германия, Латвия, Литва, Венгрия, Япония каби ўнлаб давлатлардан келган тенгдошларимиз баравар қарсак чалиб, рақсга тушиб кетишибди.

Танлов ҳайъати шуни инобатга олганми, ҳар қалай, бундай "ўзбошимчалик"ни жазоламабди. Аксинча, европаликларни "анжанча"сига ўйнатган бу учовлон ўша танловдан ҳам лауреатлик дипломи билан қайтди.

"Энг асосий мақсадимиз – бутун жаҳонга ўзбек миллий мусиқа санъатининг нуфузини, миллий чолғуларимиз дунёнинг ҳар қандай мусиқасини бутун жозибаси билан тараннум эта олишини кўз-кўз қилишдир", дейишди тўйтепалик ёш истеъдодлар.

Биз эса Истиқлол гурунгларини янада қиздириш ниятида янги-янги суҳбатдошлар томон шошилдик...

**Алишер МУРОДОВ.**

ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Ўзбекистон аҳлини
аждодларимиз орзу қилган улуғ кун –

**Мустақиллик айёми**

билан самимий табриклайди!
Ватанимиз эришаётган
улкан ютуқларда фидойи
ходимларимизнинг ҳам ҳиссаси бор.
Халқ фаровонлиги йўлида
астойдил ҳаракат қилаётган жамоамиз
юртимиз осмони ҳамиша мусаффо,
ният-мақсадларимиз улуғ ва
хайрли бўлишини тилайди.



# Паркент тумани ХТМФМТ ва ТЭ бўлими ҳамда 3-умумтаълим мактаби педагоглари жамоаси

**бунёдкор халқимизни эзгу
орзу-умидлар рўёби бўлган**

**Истиқлолимизнинг
24 йиллик байрами**

*билан қизғин муборакбод этади.
Озод юртимизнинг шодиёна кунлари кўпаяверсин.
Байрамингиз кўнгилли ўтсин, азизлар!*



## Диққат! Диққат! Диққат!

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

**Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:**

| № | Объектнинг номи | Объектнинг жойлашган манзили | Балансда сақловчи | Балансда сақловчининг фаолият ихтисоси | Объектнинг тавсифи | Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм) | Объект негизида ташкил этиладиган фаолият йўналиши | Инвес-тиция киритиш муддати | Янги ташкил қилинадиган энг кам ишчи ўринлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сон қарорининг 4-иловасига асосан "нол" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар* | | | | | | | | | |
| 1 | Собиқ 24-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари** | Чирчиқ шаҳри, 8-кичик даҳаси | ҳокимият | маъмурий бошқарув | пишган ғиштдан қурилган | 250,0 | турар-жой | 1,5 йил | - |

** Объектлар тадбиркорлик субъектлари томонидан мукаммал таъмирланиб, уй-жой сифатида сотилади, бунда бунёд этилган уй-жой фондининг 20 фоизи аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига, хусусан, вояга етмаган етим болаларни ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилади.

Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сақланади.

Танловда ғолиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатади, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов ғолиби томонидан қопланади.

Инвестиция киритиш шарти билан "ноль" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектининг 60 фоиздан кам бўлмаган ҳудуди (бино ва иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган таклифлар олиш 2015 йил 2 октябрь 18.00 да ҳамда танлов бўлиб ўтмаганда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санасидан камида икки иш куни олдин тўхтатилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2015 йил 7 октябрь куни, соат 9.00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг 4-қаватидаги конференция залида очилади.

Танлов савдоси ушбу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 14 октябрь куни ва ҳар ҳафтанинг чоршанба куни, соат 9.00 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатларида ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй манзилида жойлашган

**Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.**

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманома тақдим этади:

танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;

нодавлат юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатларининг нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифи, унда қуйидагилар бўлиши керак:

бизнес-режани бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулот турлари ёхуд кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг рақобатбардошлилиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара кўрсатилган бизнес-режа, шу жумладан, инвестиция киритиш режаси;

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан давлат мулки объектини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик жиҳатидан фойдаланиш шартлари;

талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-29-77. Факс: (0-371) 268-29-44. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.gov.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Тошкент вилояти рақобат бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонларига, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлигининг (0-371) 232-80-25 телефон рақамларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

Шунингдек, Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси томонидан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Фарҳод кўчаси, 1-уйда жойлашган "Кулол" АЖнинг бўш турган ишлаб чиқариш биноси бўйича "CAREER UNIVERSAL TRANS" МЧЖга - 3 йил (36 ой) муддат ичида объектда "Қурилиш материаллари (профнастил, уяли алоқа поликарбонати, электрпайвандлаш қувурлари, кўмир брикетлари) ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш" учун 5 000,0 млн.сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 150 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Фарҳод кўчаси, 1-уйда жойлашган "Кулол" АЖнинг ошхона биноси бўйича "ANGREN-EL'BRUS" МЧЖга - 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "Қурилиш материаллари (ҳар хил турдаги михлар) ишлаб чиқаришни ташкил этиш" учун 360,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 25 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Фарҳод кўчаси, 1-уйда жойлашган "Кулол" АЖнинг тиббиёт пункти биноси бўйича "SEMG'URON OLTIN BALIG'I" МЧЖга - 1,5 йил (18 ой) муддат ичида объектда "Тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш" учун 150,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 10 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони ҳудудида жойлашган "Сув бошқармасининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари" бўйича "AZIM-UMID-NON" ХФга - 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "Сервис хизмат кўрсатиш ҳамда замонавий типдаги дам олиш маскани фаолиятини ташкил этиш" учун 810,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 27 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 5/1-А даҳа, 4-уйнинг "Ярим ертўла биноси" бўйича "LAYLOHON BIZNES" ХКга - 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "Соғломлаштириш марказини ташкил этиш" учун 650,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 20 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 5/1-А даҳа, 6-уйнинг "Ярим ертўла биноси" бўйича "MAXBUBA-BAYRAM" ККга - 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва савдо дўкони ташкил этиш" учун 650,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 30 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони, Кончи кўчасида жойлашган "18-сонли мактаб филиалининг фойдаланилмаётган биноси" бўйича "SAPADA MEHRIBON" ХКга - 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "Замонавий медицина (қария ва ногиронларни даволаш) маркази ташкил этиш" учун 1 000,0 млн.сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 50 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, "Нуробод" ҚФЙ ҳудудида жойлашган "А.Навоий номли маданият марказининг 3-сонли пункти" бўйича "SARVARAZIZ UMARZODA RAMZI" ФХга - 1 йил (12) ой муддат ичида объектда "Автосервиз, хизмат кўрсатиш ва савдо шахобчаси фаолиятини ташкил этиш" учун 1259,5 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 50 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, А.Темур кўчасида жойлашган "Қорабоғ" шифохонасининг фойдаланилмаётган биноси бўйича "Янги инновация технологияларни жорий этиш маркази" МЧЖга - 3 йил (36 ой) муддат ичида объектда "Тиббий хизмат, шифохона фаолиятини ташкил этиш" учун 5,0 млн.АҚШ доллари (Инвестиция киритилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича) миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 80 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Навоий кўчасида жойлашган "14-сонли мактабгача таълим муассасининг бўш турган бино ва иншоотлари" бўйича фуқаро Добрыгина Кристина Вячеславовнага - 1,5 йил (18 ой) муддат ичида объектда "Тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш" учун 505,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 25 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Фахрийлар кўчаси, 25-уйда жойлашган "Архитектура бошқармасининг фойдаланилмаётган биноси" бўйича "PARVOZ AVTO TRANS" МЧЖга - 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "Корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида офис ташкил этиш" учун 1 050,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 40 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Бекобод тумани, "Жумабозор" ҚФЙ, "Ҳамза" МФЙ ҳудудида жойлашган "Мактабгача таълим муассасасининг фойдаланилмаётган биноси" бўйича фуқаро Мадияров Мадрасул Абдуқаюмовичга - 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "Соғломлаштириш спорт мажмуасини ташкил этиш" учун 400,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 24 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, "Бирлик" кўчасида жойлашган "Омборхона биноси" бўйича ЯТТ "YULCHIBAYEV ABBOS BAXTIYOR O'G'LI"га - 1,5 йил (18 ой) муддат ичида объектда "Макарон ва нон маҳсулотлари ҳамда металлни қайта ишлаш орқали алюмин ойна ва эшиклар ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш" учун 210,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 25 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, "Чимён" қўрғонида жойлашган "Қурилиши тугалланмаган меҳмонхона бино ва иншоотлари" бўйича фуқаро Ҳасанов Махсуд Қурбон ўғлига - 3 йил (36 ой) муддат ичида объектда "Меҳмонхона фаолиятини ташкил этиш" учун 3 550,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 41 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, "Дўстобод" шаҳарчаси, 2-маҳалла ҳудудида жойлашган "Техниклар ижодий уйининг фойдаланилмаётган биноси" бўйича "AKMAL ILHOM QURILISH" МЧЖга - 1 йил (12 ой) муддат ичида объектда "Қурилиш материалларини (алюмин профилли, металлопластик, МДФ ва ёғоч маҳсулотларидан эшик-ромлар, металл дарвозалар, металл эшик-ромлар, зинапоялар ясаш) ишлаб чиқаришни ташкил этиш" учун 250,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 8 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, "Мамут" МФЙ ҳудудида жойлашган "20-сонли мактабнинг фойдаланилмаётган клуб биноси" бўйича "BOLBOBEK ASADBEK" ХКга - 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "Хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш" учун 305,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 15 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, "Увак" МФЙ ҳудудида жойлашган "Ангрен" ширкат хўжалигининг омухта ем цехининг бўш турган бино ва иншоатлари бўйича "LAZIZ" МЧЖга - 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "Сантехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш" учун 500,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 30 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "1-кичик ноҳия" ҳудудида жойлашган "Фойдаланилмаётган қозонхона биноси" бўйича "ЧИНОЗ АСЛ ХУНАРМАНДЛАРИ" ХКга - 1,5 йил (18 ой) муддат ичида объектда "Мебель ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш" учун 160,0 млн.сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 10 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, А.Темур кўчасида жойлашган "Болалар боғча биноси" (собиқ 42-болалар боғча) бўйича "O'zKOJ ANGREN O'ICHK" МЧЖга - 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "Тикувчилик фаолиятини ташкил этиш" учун 750,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 50 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Бекабод шаҳри, 3-даҳада жойлашган "Бўш турган "Наврўз" кинотеатри биноси" бўйича фуқаро Абдукаримов Абдурасул Абдуманоновичга - 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "Кинотеатр фаолиятини ташкил этиш" учун 75,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 20 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, "Боймурзаев" маҳалласида жойлашган "Собиқ СПТУ-40 биноси" бўйича "HULKAR FARM MED" МЧЖга - 1 йил (12 ой) муддат ичида объектда "Доривор ўсимликларни қайта ишлаш ва қадоқлаш фаолиятини ташкил қилиш" учун 155,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 15 та янги иш ўринларини яратиш шартлари билан сотилганлигини маълум қиламиз.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2015 йил 27 августдаги 39-сонли Баённомаси қарори билан:

**Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан:**

1.1. "ISFANDIYOR TRANS SERVIS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000404 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати 2015 йил 28 августдан қайта тикланди.

ТАБРИК

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

*истиқлол, эркинлик нашидасини суриб меҳнат қилаётган ватандошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам –*

## *Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги*

*билан самимий қутлайди!*



**Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройи қошида фаолият юритаётган "Буюк Ипак йўли наволари" классик вокал гуруҳида Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Ўзбекистон – Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш маркази, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ходимлари ҳамда турли миллатлар вакиллари опера сирларини ўрганмоқда. Уларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри солисти Бердишукур Ғафуров ушбу санъатдан сабоқ бермоқда.**

# ИСТИҚЛОЛ НАШИДАСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг меҳнат қилиши, дам олиши, ўқиб-изланиши, ўз салоҳиятини намойиш этиши ҳамда миллий анъана ва қадриятларини ривожлантириши учун кенг имкониятлар яратилган.

"Буюк Ипак йўли наволари" классик вокал жамоаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Истиқлол нашидаси" деб номланган концертда бу яққол ифодасини топди. "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъаткорлар, ёшлар иштирок этди.

– Юртимиздаги тинчлик-тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ёшларни шу Ватан тақдирига дахлдор қилиб вояга етказишга хизмат қилаётир, – дейди гуруҳ концертмейстери Алфия Усмонова. – Биз, ижодкорлар ҳам ана шундай муҳитда эркин ижод қилиб, ўз қўшиқларимиз билан юртдошларимизга яхши кайфият улашаётганимиздан мамнунмиз.

Бу каби ижодий кечалар истеъдод эгаларини ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг бадиий дидини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда вокал жамоаси томонидан ижро этилган опера санъати намуналари иштирокчиларга хуш кайфият бағишлади.

**Б. МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН

**Юқори Чирчиқ туманидаги Саксонота қишлоғида вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, маънавият ва тарғибот маркази, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Мустақиллик байрамига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Тадбирда маҳалла фаоллари, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари, нуроний отахон-онахонлар, уй бекалари ҳамда ёшлар иштирок этди.

– Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ҳақ-ҳуқуқ ва қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни тарбиялаш учун илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган бекиёс имкониятлар йўлини очиб берди, – деди тадбирда сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Нуроний" республика газетаси бош муҳаррири Темур Убайдулло. – Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида таъкидланганидек, юртимиз қиёфаси йилдан йилга обод ва гўзал бўлиб бораётгани, биз қўлга киритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омили, аввало, халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётгани шарофатидандир.

Таниқли шоирлар мушоираси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаларининг она Ватан ҳақидаги қўшиқлари тадбирнинг мазмунли ва қизиқарли ўтишини таъминлади.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

**Ўрта Чирчиқ туманидаги "Меҳржон" оромгоҳида вилоят ички ишлар бошқармаси профилактика бўлими ҳисобида турувчи вояга етмаганлар учун спорт-соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди.**

# ТАЪТИЛ НИҲОЯСИДАГИ ҲОРДИҚ

"Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган спорт оромгоҳи ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишга хизмат қилади.

Спорт оромгоҳида ёшлар Ватанни мадҳ этувчи турли маданий-маърифий тадбирларда иштирок этдилар. Шунингдек, улар учун ўқув-семинарлар, спорт мусобақалари ташкил этилди.

– Бу каби тадбирлар ҳаётда тўғри йўлни танлаб, муносиб касб-ҳунар эгаллашимизга туртки бўлиши шубҳасиз, – дейди пискентлик Азамат Беков. – Ўтган йили Бўстонлиқнинг гўзал оромгоҳида бўлган эдим. Биз ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар тобора кенгайиб бораётганидан беҳад шодман.

**Ирода НОРБОЕВА.**

Мустақиллик мушоираси

## *ТУПРОҒИН ЎП*

*Мустақиллик очди қалб кўзимизни,*
*Жаҳон ичра ёруғ этди юзимизни.*
*Халқимизга ҳадя этиб ҳур ҳаётни*
*Танитди у ўзимизга ўзимизни.*

*Туғин тутиб, олға қадам ташлагаймиз,*
*Шу туғ билан янги ҳаёт бошлагаймиз.*
*Озодликни қучиб, Ватан ардоғида*
*Эмин-эркин, яйраб-яшнаб яшагаймиз.*

*Инсон ҳур, деб айтиб ўтган доноларим,*
*Дунёларга татир ўтмиш дунёларим.*
*Жонларини этди фидо ҳуррият-чун*
*Истиқлолни орзу қилган боболарим.*

*Бу Ватанда барча миллат қон-қариндош,*
*Юрти учун фидо эрур кексаю ёш.*
*Бу юрт бизга Яратганнинг инъомидир,*
*Тупроғин ўп, кўзга суртгин, эй Ватандош!*

**Маъмур БОЗОР АЛИ.**

## *КУЙЛАТИБ ҚЎЙДИНГ МЕНИ*

*Дадил боқар нигоҳим,*
*Тугади дилда оҳим.*
*Қўлларимга соз бериб,*
*Шўх-шодон овоз бериб,*
*Куйлатиб қўйдинг мени.*

*Йигирма тўртда ёшинг,*
*Сўнмасин ҳеч қуёшинг,*
*Ўсавергин чўзиб бўй,*
*Аримасин юртда тўй,*
*Тўйлатиб қўйдинг мени.*

*Бировдан кам жойим йўқ,*
*Қайга борсам кўнглим тўқ,*
*Кўкси тоғ, виқорларга,*
*Ривожда бўйдорларга*
*Бўйлатиб қўйдинг мени.*

*Эъзоздадир тилимиз,*
*Дунё танир элимиз,*
*Бундан ортиқ бахт борми,*
*Бундан ортиқ тахт борми,*
*Ўйлатиб қўйдинг мени.*

*Қалбим тўла қувонч бор,*
*Эрта кунга ишонч бор,*
*Қўзғаб шоир илҳомин,*
*Улуғлаб унинг номин,*
*Сўйлатиб қўйдинг мени.*

**Абдулла МАДИЕВ.**

# ЁШЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

*Энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик шодиёналарига спортчиларимиз ҳам муносиб совға тайёрлашди*




Эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари Босния ва Герцеговинанинг Сараево шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, мусобақа шоҳсупасига кўтарилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва бу борада яратилган кенг имкониятлар ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, халқаро майдонларда ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён қилишида муҳим омил бўлаётир. Сараево шаҳри мезбонлик қилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёш спортчиларимиз қўлга киритган натижалар бунинг исботидир.

Нуфузли мусобақанинг юнон-рум кураши бўйича вазни 46 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида Тўрабек Тиркашев шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилгани ҳақида хабар берган эдик.

Эркин кураш бўйича ўтказилган беллашувларда қатнашган Ҳасанбой ва Ҳусанбой Раҳимовлар Жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритди.

Ҳусанбой Раҳимов вазни 85 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида япониялик Шутаро Ямада, АҚШ вакили Оуэн Уэбстер ва озарбайжонлик Рашид Ҳамидли устидан ғалаба қозониб, иккинчи ўринни эгаллади.

Ҳасанбой Раҳимов вазни 100 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида сербиялик Александар Пантелич, ҳиндистонлик Ҳусаин Носир ва туркиялик Яқуб Ерликаяни енгиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Хотин-қизлар кураши бўйича вазни 52 килограммгача бўлган спортчилар беллашувида иштирок этган Шаҳодат Жўллибоева швециялик Рут Генберг, мўғулистонлик Анудари Нандинцецег ва Пуэрто-Рико вакили Габриэла Рамос устидан ғалаба қозониб, бронза медаль билан тақдирланди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Кўргазма

# АСАРЛАРДА РАССОМ ТАФАККУРИ ИНЪИКОСИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкент Фотосуратлар уйида рассом Акром Баҳромовнинг тасвирий санъатнинг турли жанр ва йўналишларида яратилган асарларидан ташкил топган кўргазма очилди.**



Кўргазмага қўйилган рангтасвир, графика, плакат ва ҳажвий расмларда юртимиз табиати, тураржойлар, портретлар, муаллиф китобларга чизган расмлар акс этган. Улар орасида "Она портрети", "Ёмон ниятлардан асрасин", "От изини той босар", "Соябонимизни асрайлик", "Бунёдкорлик", "Миллий уйғониш адабиёти", шунингдек, она юртнинг гўзаллигини сақлаб қолиш ҳақида қайғурувчи рассомнинг вилоят табиатининг гўзал манзаралари маҳорат билан тасвирланган "Чимён", "Хумсон. Угом", "Оқтош", "Кумушкон" каби асарлари экспозициядан ўрин олган.

А. Баҳромов Тошкент театр ва рассомлик институтининг китоб графикаси бўлимида таҳсил олган. Қатор нашриётларда бадиий муҳаррир ва бош рассом бўлиб ишлади. Графика, рангтасвир, ҳажвий расм, тимсоллар ва плакат соҳаларида ижод қилади. 40 дан ортиқ кўргазма иштирокчиси. Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3805. Адади 8089. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 23.30.